O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

... ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оёққа туришида кўмак бериш бўладими — бу масалаларнинг барчаси биз учун энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 9-iyun • Shanba • 68 (27.713) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 8 июнь куни Оқсаройда Корея Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Кёнг Джэ Мин ва Йан Чарльз Макдональд Келли ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганги билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги энг ишончли шерикларидандир. Икки мамлакат ўртасида олти марта олий даражадаги ташриф бўлиб ўтди. 2006 йил мартда Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи асносида Президентлар — Ислом Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар ана шу ҳужжат руҳига мос тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланаётир. Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик парламент уюшмаси тузилган. Олий Мажлисда Корея билан ҳамкорлик гуруҳи таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий шериклари орасида Корея Республикаси етакчи ўрин тутади. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 613 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 45 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти.

Ушбу мамлакатнинг янги тайинланган элчиси Кёнг Джэ Мин билан суҳбат чоғида муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, кореялик дипломат иқтисодий ҳамкорлик қамровини кенгайтириш учун имкониятлар кўп эканлигини, бу хайрли мақсад йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қилишини таъкидлади.

Буюк Британия ишбилармон доираларида ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш катта. Буюк Британия савдо таснифида Ўзбекистон «стратегик бозор» гуруҳидаги мамлакатлар сафига киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Буюк Британия сармояси иштирокида тузилган 195 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Буюк Британиянинг 55 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Умуман, Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири саналади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 254,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган 13-мажлиси ҳамкорлик кўламини ошириш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини яна бир бор намойиш этди. Айниқса, тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Тошкентда халқаро Вестминстер университети очилгани гуманитар ҳамкорлик самарасига ёрқин мисол бўла олади. Икки мамлакат олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. «Соғлом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари билан «British East-West Centre», «Everychild», «World Vision», «Oxfam», «HealthProm» каби ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган.

Фанлар академиялари, қатор олий таълим муассасалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ва Лондон археология институти ҳамкорлигида кўҳна Ахсикент (Фарғона вилояти) шаҳрида қадимги металлургия ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари ишга солинмоқда. Ўтган йили Лондонда Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти ва имкониятларига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида британиялик дипломат Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан беҳад мамнун бўлганини, юртимиз гўзаллиги, айниқса, Тошкентнинг кўрки ўзини мафтун этганини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

(ЎзА)

Баркамол авлод орзуси



ЭЛЛИККҚАЛЪАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилмоқда. Бу масканларда ёшларимиз таълим-тарбия олиб, замонавий касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашмоқда.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида Саробий қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Мазкур илм масканини «Элликқалъадеҳқон-қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг бунёдкорлари барпо этишмоқда.

— Айни пайтда коллеж қурилишида 120 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда, — дейди бош муҳандис Мақсуд Сапарбоев. — Коллеж ишга тушгач 540 нафар ёш бу ерда замонавий касб-ҳунарларни ўрганишлари мумкин.



Суратларда: *(чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Баҳром Романов, бош муҳандис Мақсуд Сапарбоев, участка бошлиғи Жетписбой Жусупов; коллеж қурилишидан лавҳа.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгиланганидек, «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалалари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтган қуйидаги сўзлар бунга ёрқин далил бўла олади: «Табиийки, «Ижтимоий ҳимоя йили»да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўгитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз».

Изчил амалга ошириб келинаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўламларини янада кенгайтириш ва бу йўналишдаги ишларни кучайтириш, аниқ йўналтирилган тарзда кўрсатиладиган ёрдам самарадорлигини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни, ёлғиз ва кекса фуқароларни, пенсионер ва ногиронларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ана шу мақсадларга бюджет маблағларинигина эмас, балки хусусий шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташкилот ва корхоналарнинг ихтиёрий хайрияларини ҳам жалб этиш юзасидан комплекс собитқадам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлиги натижасида Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга йўналтирилаётган харажатлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, элюрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий *«Энг улуғ ва энг азиз»* танловига таклиф этади.

«Энг улуғ ва энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ ва энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2007 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси. Телефонлар: 144-32-33; 144-64-62; 144-57-24; 144-11-64.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.Усмонова). Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз ҳамда Корея Республикаси мусаввирларининг кўргазмаси очилди.

Унинг очилишида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маданий ҳамкорлик доирасида турли фестиваллар, санъат байрамлари, ўзбек ва корейс санъат усталари ижросидаги концертлар ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Ҳар йили мунтазам ташкил этилаётган юртимиз ҳамда кореялик рассомлар ижодига бағишланган бадиий кўргазма бунинг яна бир исботидир. Айни пайтда ушбу маърифий тадбир нафақат рассомлар ижоди, балки икки мамлакат маданияти, санъати билан ҳам яқиндан танишиш имконини бермоқда.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ КУЧИ

УНИНГ ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШИ ҲАМДА ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛИШИДАДИР

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидаги навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Унда партия марказий сайланма органлари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларининг ХДПдан сайланган депутатлари, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва шаҳар кенгаши фаоллари, туман партия кенгашлари раислари, Марказий Кенгаш экспертлари иштирок этдилар.

Машғулотда «Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, уларни дастур ва мафкураларининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон ХДПнинг бошқа партиялардан асосий мафкуравий ва дастурий фарқлари» мавзуси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланган, мамлакат Президентининг ташаббуси билан яқинда қабул қилинган Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш учун янги имкониятлар яратгани хусусида сўз юритди.

Мавзу юзасидан маруза қилган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Муҳиддин Примов мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва уларнинг бир биридан асосий фарқи: ижтимоий негизи, электорати, ғоялари ва дастурларининг фарқланиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

— Бугунги давр партия ташкилотларидан электорат билан жиддий ишлаш, партияга тарафдорлар жалб қилишда янги усуллар билан фаолият олиб боришни талаб этади, — деди у. — Лекин мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар ҳам янги усуллардан самарали фойдаланаяпти деб бўлмайди.

Машғулот давомида маърузачи ва сўзга чиққанлар кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳар бир сиёсий партия муайян қатлам ва фуқаролар гуруҳлари манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилаётгани, бу уларнинг дастурлари ва Сайловолди Платформаларида намоён бўлганини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, Ўзбекистон ХДП V қурултойидан бошлаб ўзининг мафкураси ва сиёсатини ислоҳ қилишга киришди ва ўз электоратига эга бўлган парламент типидаги партияга айланди. Унинг сиёсий мафкураси асосий принциплари — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия ғояларидир.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда иштирок этиш мамлакатимиздаги барча сиёсий кучларнинг бурчи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари бу муҳим умумдавлат ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, дея таъкидлашди иштирокчилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АНДИЖОННИНГ «КУМУШ ТОЛАСИ»

Вилоят пиллакорлари 2600 тонна «кумуш тола» тайёрлаб, йиллик топшириқларини барвақт бажаришди. Ҳар қути қурт уруғидан 47,4 килограмм ўрнига салкам 49 килограммдан ҳосил олинди.

Соҳада энг аввало, мустаҳкам озуқа базаси барпо этилиши ва моддий манфаатдорликнинг оширилиши яхши натижа берди. 55 минг қути ипак қурти ҳисобига пиллакорларга 1 миллиард 165 миллион сўмдан зиёд бўнак пули берилди. 1148 та махсус тутзорлар барпо этилди.

Эришилган ютуқда Олтинкўл туманидаги С.Ашуров номли, Улуғнор туманидаги «Мингбулоқ», Избоскан туманидаги А.Тиллабоев номли, Балиқчи туманидаги «Шераличек», Асака туманидаги «Навбаҳор» массивлари пиллакорларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Илғор хўжаликлар хирмонга ҳар қути қурт уруғидан 60-70 килограммгача етказиб «кумуш тола» тўқдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари ҳукумат ҳар йили ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2007 йил 8 июнда бўлиб ўтган мажлисида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан ҳаракат дастури ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва жойларга юборилган бўлиб, бу дастурда пенсия таъминотини ташкил этиш, пенсияларни, ижтимоий нафақаларни молиялаштириш ва тўлаш масалалари борасида Вазирлик ва унинг бўйсунувидаги таркибий бўлинмалар вазифалари белгилаб берилган. Вазирлик тизимида ташкил этилган ва муваффақиятли ишлаб келаётган компьютер дастури пенсиялар тўловини ой сайин мониторинг қилиб бориш, пенсионерлар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар базасини такомиллаштириш, пенсияларни тайинлаш ва тўлашга оид ҳужжатларни тайёрлашни камчиликлардан холи этиш имконини бермоқда.

2007 йил 1 апрелга бўлган ҳолатга кўра, Ўзбекистонда пенсионерлар сони 2746707 кишига етган, шу жумладан 1973636 киши ёшга доир, 546706 киши ногиронлик, 226365 киши боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармонларига мувофиқ кейинги йилларда пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори сезиларли даражада ошди. Чунончи, пенсияларнинг ўртача миқдори 2004 йилда 21560 сўм бўлган бўлса, 2006 йилда 42325 сўмга етди, ижтимоий нафақалар бўйича бу кўрсаткичлар тегишинча 12401 сўмни ва 23680 сўмни ташкил этди. Пенсиялар ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан тегишли буйруқлар чиқарилди, қайта ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилди, жойларга йўриқномалар юборилди.

2006 йилда 43896 нафар пенсионер ва ногирон ўз соғлиқларини санаторийларда, профилакторий ва дам олиш уйларида яхшилаб қайтдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш заруриятига қаратилган бир қанча таклиф ва тавсияларни билдирдилар. Парламент юқори палатаси аъзолари, жумладан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларни вақтида тўлаш, ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш масалаларида Қонун талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигига, шунингдек «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш самарадорлигини янада юқорироқ даражага кўтариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишига эътибор қаратдилар. Бундан ташқари Қўмита мажлисида давлат пенсия таъминотининг қонунчилик базасини мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ишларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш ва кенгайтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Адлия, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати

Шу куннинг мавзуси

ЁШ ОИЛАЛАРГА — ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тижорат банклари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Фармонда тижорат банкларига ёш оилалар учун имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратиш вазифаси юклатилган. Табиийки, юртдошларимизни, айниқса, Фармонда алоҳида эътибор қаратилган ёшларни, ёш оилаларни уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси сифатида ажратилаётган кредит турлари ва уларни олиш тартиблари тўғрисидаги турли саволлар қизиқтирмоқда. «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Адҳам ТОЖИХЎЖАЕВнинг мухбиримиз билан бўлган суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

— Ушбу Фармонда айнан ипотека кредитларига эътибор берилгани бежиз эмас. Чунки кредитнинг бу тури ниҳоятда истиқболли ва айтиш мумкинки, аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти катталиги жаҳон тажрибасида исботланган.

— Сир эмас, аҳоли сони ўсгани сайин унинг уй-жойга ва бу муаммони ҳал этишга кўмаклашувчи ипотека кредитига эҳтиёжи ҳам ошиб бораверади. Бу кредитлар аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этишдан ташқари, хизмат кўрсатиш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг, қурилиш хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг, иккиламчи уй-жой бозорининг ривожланишига ҳам ижобий таъсири катта. Айниқса, бу кўмакнинг ўзига хос хусусияти — қурилаётган ёки таъмирланаётган, сотиб олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қўйилади. Демак, ипотека кредити олувчи қурилаётган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Кредитнинг бу қулай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағи етмаётган ёш оила учун қанчалик катта мадад эканини тушуниб олиш қийин эмас.

— Ана шу кредитлар миқдори ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда...

— Ҳукуматимизнинг бу моддий қўллаб-қувватлашидан манфаатдор бўлганларнинг аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, уй-жой қурилиши учун энг кам иш ҳақининг 3000 бараваридан, уй-жой реконструкцияси ва уй-жой сотиб олиш учун энг кам иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда ипотека кредитлари берилади. Ёш оилаларга берилаётган имтиёзларга келадиган бўлсак, уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида бадал тўланганидан кейин, муддатига қараб, одатдаги йиллик 15-17 фоиз ўрнига, 12-14 фоизлик ипотека кредитлари берилади.

Шу ўринда яна бир қулайликни ҳам айтиш керак: дастлабки бадални кредит олаётган ёш оилаларнинг иш берувчилари яъни юридик шахслар ҳам тўлашлари мумкин. Бу ҳам оилага катта мадад.

Шунингдек, ушбу ҳаётбахш ҳужжатда белгиланганидек, ёш оила аъзоларининг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси солиққа тортилмаслиги ҳам ёшларнинг кредит олиш ва уларни белгиланган муддатларда қайтариш имконини кенгайтиради. Фармонда назарда тутилган қатор имкониятлар моҳиятини кўпчилик тўғри англаб етгани учун ҳам ҳозирданоқ филиалларимизга мурожаатлар кўпайди.

— Сиз айтаётган банк филиалларида бу мурожаатларга жавоб бериш жараёнида муаммолар туғилмаяптими?

— Шу йил бошидан июнь ойига қадар 63 та ёш оилага банкларимиз томонидан 460 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека, истеъмол ҳамда микрокредитлар ажратилди. Президентимиз Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, йил охиригача бу мақсадлар учун «Ипотека банк» томонидан камида 7 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Имтиёзли асосда ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредит олишни истаган ёш оилалар ўз яшаш жойларидаги вилоят ва туман филиалларимизга мурожаат қилишлари мумкин. Керакли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, кредит сўраб мурожаат қилган фуқаро аризаси банк томонидан кўйилган барча талабларга жавоб берса, 30 кун ичида қаноатлантирилади. Мабодо рад жавоби бериладиган бўлса, ариза олинганидан сўнг етти кун ичида бу ҳақда мижоз хабардор қилинади.

— Қисқача бўлса-да, банк талаблари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Энг аввало кредит олаётган шахснинг тўлов қобилияти ўрганилади, унинг барқарор иш ўрни ва даромадга эга эканлиги, бу даромад кредит ва унинг фоизларини белгиланган муддатда тўлаб бориши учун етарли эканлиги ҳисобга олингандан сўнггина кредит ажратилади. Албатта, мамлакатимиз Президетининг бу Фармонидан кўзланган асосий мақсад, ёш оилаларни ҳар томонлама яъни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу эса барча соҳаларга, жумладан, бизнинг банк тизимимизга ҳам алоҳида масъулият юклайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Фракция фаолияти

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб иккинчи ўқишда киритилаётган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ж.Акрамов маъруза қилди.

Мазкур қонуннинг мақсади автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қуйи палата муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Н.Аҳмаджонов маъруза қилди.

Ҳужжат Президентимизнинг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомда аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, лойиҳада юқоридаги Қонуннинг 6-,7- ва 16-моддасига тегишли қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Қонуннинг айрим моддаларига аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувлари тартиби, аудиторларнинг малака сертификатларини бекор қилиш учун асос, аудиторлик ташкилотига нисбатан қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ўзгартишларни ҳам киритиш таклиф этилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ғ.Сафаров сўзга чиқди.

Лойиҳа мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан тайёрланган. Қарорда мол-мулк ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 19- ва 58-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Янги қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев тушунтириш берди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан тайёрланган.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан қизғин савол-жавоблар ва фикр алмашувлар бўлиб ўтди ҳамда фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎҚИТУВЧИ — ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан учрашувлар ўтказиши доимий анъанага айланди.

Айни пайтда бу ерда республикамизнинг турли минтақаларидан келган мактаб директорлари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари бош мутахассислари, методистлари, ҳудудий халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ўқитувчилари — жами 369 нафар тингловчи ўз малакасини оширмоқда. Зиёлиларнинг депутатлар билан бўлган бу учрашуви Президентимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир Фармони, унинг ғояси, олижаноб мақсадлари моҳиятини чуқур ўрганиш, бу борада фикр алмашиш масалаларига бағишланди. Шунингдек, депутатлар икки палатали парламент фаолияти, қуйи палата томонидан муҳокама этилаётган, қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳақида ҳам батафсил гапириб бердилар. Мазкур жараёнларда ХДП фракциясининг иштироки, партиямиз электорати, хусусан, халқ таълими соҳаси ходимларининг манфаатлари қай даражада эътиборга олинаётганига тўхталдилар.

Тингловчилар халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотлар, қонунларнинг ҳаётдаги ижроси ва бошқа масалалар билан боғлиқ кўплаб саволларни ўртага ташладилар. Ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛАР ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракция аъзолари ва Тошкент давлат педиатрия-тиббиёт институти талабалари учрашуви бўлиб ўтди. Дастлаб талабалар парламент қуйи палатаси биноси, катта мажлислар зали, овоз бериш жараёнлари, рада-мажлис тизими билан танишдилар.

Сўнг фракция раҳбари Аслиддин Рустамов Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳақида гапирди.

Ёшларга алоҳида эътибор бериш, ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос миллий қадриятлардир. Ёшларнинг, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёш оилаларнинг истиқболи миллат келажагининг пойдевори ва умуммиллий аҳамиятга эга экани боис ҳам бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу маънода ёш оилаларнинг мақсадли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга мўлжалланган Президент Фармонининг қабул қилиниши ёшлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги қатнашчилар томонидан эътироф этилди.

Учрашув якунида фракция аъзолари талабаларнинг барча саволларига жавоб бердилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгаши фаоллари ҳамда қатор ташкилотлар вакиллари Ғурлан туманида истиқомат қилаётган жисмоний имконияти чекланган болалар хонадонида бўлишиб, уларга эсдалик совғалари топширдилар.

Шунингдек, партия фаоллари томонидан Урганч шаҳридаги Амир Темур номли истироҳат боғида ташкил этилган спорт мусобақаси ғолибларига Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Хонқа туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги 10-мактабгача таълим муассасасида «Бола кулса, олам кулар» мавзуида тадбир ўтказилди. Болажонларга ўқув қуроллари, китоблар ва турли-хилдаги ўйинчоқлар туҳфа қилинди.

Урганч туман кенгаши ўқувчи-ёшлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари ўртасида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» мавзуида расмлар танлови ҳамда «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» номли оммавий тадбир ташкил қилди.

Жиззах вилоят кенгаши болалар ўртасида «Ҳар доим бўлсин қуёш!» деб номланган расм чизиш бўйича кўрик-танлов ташкил этди. Жиззах шаҳридаги «Истиқлол» болалар истироҳат боғида ўтказилган бу тадбир ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши болалар шифохонасида вилоят кўғирчоқ театрининг концерт дастурини ташкил этди. Партия фаоллари болажонларга тезроқ соғайиб кетишларини тилаб, эсдалик совғалари топширишди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ислоҳот одимлари

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЯНГИ БОСҚИЧЛАР

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ БИЛАН БИРГА ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР ҲАМ ТУҒДИРМОҚДА

Ҳар бир мустақил давлатнинг тараққиёти унинг ҳудудий жойлашуви, мамлакатдаги инфратузилмалар ривожига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда қурилаётган янги темир йўллар мамлакатимиз ички юк ва йўловчи ташиш эҳтиёжини мустақил қондириш билан бирга одамлар хавфсизлигини ҳам таъминлайди ва бунга кафолат беради, транзит ташилиб ўтадиган юкларнинг кескин ошиб бориши катта миқдорда валюта маблағлари ишлаб топиш имконини яратади.

Шу ўринда Хоразмда Амударё узра бунёд этилган замонавий иншоот — янги кўприкнинг ишга туширилганини алоҳида айтмоқ керак. Узунлиги 681 метр бўлган мазкур кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд ва соатига мингта автомобилни ўтказиш имконини туғдириб, Урганч — Тошкент йўналиши поездларининг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, илгари транзит учун қўшни давлатларга ҳар йили тўланадиган катта миқдордаги АҚШ долларини ҳам салмоқли ҳажмда тежаш имконини беради.

Жанубда эса Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши ва ушбу йўл орқали Афғонистон ҳамда Эрон замини орқали Форс кўрфази портларига чиқиш ҳам тармоқда жуда катта ҳажмда ишлар қилинаётганини кўрсатиб турибди. Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро йўналишларидаги замонавий тезюрарпоездлар қатнови йўлга қўйилгани эса йўловчилар учун яна бир қулайликдир.

Шулар қатори юртимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километр узунликдаги йўл қурилиши «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси фаолияти халқаро талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Шимолий минтақадаги бой ер ости табиий заҳираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини, турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Республика ҳукумати ягона темир йўл тизимини ташкил қилиш билан бирга йўловчиларни ташиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Шу мақсадда мазкур тармоқда туб ислоҳотлар ва тузилмавий ўзгаришлар изчил амалга оширилаяпти. «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамияти олдига йўловчи темир йўл транспорти фаолиятини тубдан яхшилаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш вазифаси қўйилган. У асосий фаолият тури бўйича 7 та (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва Оролбўйи) ҳудудий бўлимларга эга.

Сўнгги вақтларда темир йўл транспортида туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тезюрар поездларда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимий цивилизация ёдгорликлари, шарқ меъморчилиги, амалий санъат намуналари, миллий урф-одатлар, ракс ва ашула санъати билан таништирувчи қизиқарли саёҳатга чиқиш учун махсус замонавий йўловчи поездлари ташкил қилинмоқда. Замонавий талаблар асосида қайтадан жиҳозланган вокзалларда йўловчиларга турли хизматлар кўрсатилаяпти.

Кейинги йилларда Андижон, Марғилон, Наманган, Қарши, Навоий, Урганч, Самарқанд, Тошгузар, Бойсун, Қумқўрғон ва бошқа шаҳарларда замонавий мажмуалар фойдаланишга топширилди. Шаҳар ва туманлар марказларида 30 дан ортиқ вокзаллар кенгайтирилди, реконструкция қилинди. Бажарилган бундай улкан ишларнинг бош мақсади — йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш билан бирга улар хавфсизлигини таъминлайди. Хуллас, Ўзбекистонда ягона миллий темир йўл тизимининг яратилиши, йўловчи ва юк поездларининг қатнови бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳаммаси — юртимиз иқтисодий салоҳиятини оширади.

Тоҳир ОРТИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Иқтисодиёт ва ислоҳот

КОРХОНА ҚУВВАТИ

ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ ТУРЛАРИГА ҲАМ БОҒЛИҚ

ДЕЙИШМОҚДА «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «НАМАНГАНТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Намангантелеком» филиали жамоаси вилоят аҳолисига сифатли электрон алоқа хизмати кўрсатиш йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Электрон алоқа сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданиятини юқори даражага кўтариш, телекоммуникация тармоғида рақамли АТСлар салмоғини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Филиал таркибида 12 та шаҳар ва туман телекоммуникация боғламалари мавжуд бўлиб, 1,2 мингга яқин ходим меҳнат қилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси «Эксимбанк»ининг кредити ҳисобига Наманган вилояти телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва қайта қуриш лойиҳаси амалга оширилди.

Шартнома қиймати 1876 минг АҚШ доллари бўлган умумий сиғими 66816 рақамли 20 та электрон АТС Хитойнинг «ХУАВЭЙ» компанияси «Намангантелеком» филиали мутахассислари ҳамкорлигида фойдаланишга топширилди, шундан 6 таси Наманган шаҳрида, Косонсой, Учқўрғон ва Чуст шаҳарларида иккитадан, бошқа туман марказларида эса биттадан АТС ишга туширилди. Вилоятдаги барча шаҳар АТСлари тўлиқ электрон АТСларга алмаштирилди. Бунинг натижасида вилоят телекоммуникация тармоғида электрон АТСлар салмоғи 19 фоиздан 86 фоизга, шаҳар телефон тармоғини рақамлаштириш даражаси 100 фоизга етказилди.

Наманган шаҳридаги 232-ЭАТСда бошқарув станцияси ўрнатилди, Наманган шаҳри ва туман марказларидаги электрон телефон станциялари ушбу жойдан бошқарилади. Янги электрон станциялар ишга туширилиши билан Наманган шаҳри ва туман марказларидаги телефон рақамлари 7 рақамли телефон рақамларига алмаштирилди. Шаҳарлараро кодни термасдан Наманган шаҳри ва туман марказлари билан тўғридан-тўғри боғланиш имконияти яратилди. Туман марказларидаги ЭАТСларда тўловнинг вақтбай тизими жорий этилди.

Сиғими 200 рақамгача бўлган 85 та қишлоқ АТСларини рақамли телефон станцияларига ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан сиғими 208 рақамли 3 та қурилмаси олиниб, 2007 йил апрель ойида Чортоқ туманидаги Короскон, Норин туманидаги Оқолтин ва Намангандаги АТСларда ўрнатилиб, ишга туширилди. Жорий йил охиригача яна ана шундай 6 та кичик рақамли телефон станциясини ишга тушириш режалаштирилган.

Мижозларнинг замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талаб ва истакларини қондириш чораларини кўриш, рақамли телефон станцияларининг қўшимча хизмат турларини кенг тарғиб қилиш мақсадида филиал ижроия аппаратида маркетинг бўлими ташкил этилиб, унинг фаолият доираси кенгайтирилди. Илгари 2 киши ишлаган бўлса, ҳозир 6 нафар ходимдан иборат маркетинг ва назорат бўлими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бўлим ходимлари телекоммуникация хизматларига бўлган талабни ўрганиш билан бир қаторда телекоммуникация боғламаларида касса интизомига риоя этилишини ва ЭАТСларда қўшимча хизмат турлари кўрсатишни ҳар куни текшириб, таҳлил этиб бормоқдалар.

Дастлаб аналогли АТСлардаги 22 нафар кросс ходимларининг иш жойлари қисқартирилиб, улар маркетинг ишларига жалб этилди. Бундан ташқари, телекоммуникация боғламаларидаги бошқа ходимлар: кассир-операторлар, ҳисобчилар, муҳандислар ва бошқа касб эгаларидан жами 58 киши ўз хизмат вазифаларини бажариш билан бирга қўшимча хизмат турлари билан шуғулланмоқда.

Қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи абонентлар сони 2006 йилнинг 1-чорагида 6371 нафар бўлган бўлса, ўтган йилнинг охиригача қарийб 50 минг нафарга етди.

— Электрон АТСларда қўшимча хизмат турларидан фойдаланаётган мижозлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг биргина январь ойида 2,5 мингдан ортиқ мижознинг у ёки бу қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш истаги қондирилди. Ҳозирги кунда ундан фойдаланувчилар сони 51 мингдан ортди. Жорий йил январь ойида олинган қўшимча даромад миқдори 12,5 млн. сўмни ташкил этди.

Наманган шаҳрида электрон АТСлар қўшимча хизмат турларини тарғибот қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича бирмунча тажриба орттирилган бўлсада, туман марказларида фаолият кўрсата бошлаган янги ЭАТСлар мижозлари бундай хизмат турлари ва уларнинг афзалликлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Эндиги асосий вазифалардан бири — мижозлар ўртасида қўшимча хизмат турларини тарғиб қилиш орқали, улардан фойдаланувчилар сафини кенгайтиришдан иборат.

Телефон тармоғи тўлиқ рақамлаштирилгандан кейин жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган аналогли АТСлардаги электромеханик коммутаторлар ҳисобдан чиқарилди. Шу боис туман марказларидаги телефон станцияларида ишлаётган 65 нафар ходимнинг иш жойлари 2006 йил 10 декабрдан қисқартирилди.

Иш жойи қисқартирилган соҳа ходимларининг кўп йиллик иш стажига эга эканликлари, оилавий шароитлари инобатга олиниб, уларга янги иш ўринлари яратиш борасида изланишлар олиб борилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг тегишли кўрсатма ва топшириқлари асосида туман телекоммуникация боғламаларидаги шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари шохобчалари базасида провайдерлик йўли билан юридик мақомига эга бўлган 13 та хусусий корхона ташкил этилди. Иш жойлари қисқартирилган ходимлардан 50 нафари шу корхоналарга жойлаштирилди.

Алоқачи ходимлар томонидан ташкил этилган хусусий корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Намангантелеком» филиали билан расмийлаштирилган шартнома айни муддао бўлди. Янги ташкил этилган хусусий корхоналар билан филиал ўртасидаги хўжалик ва хўжалик муносабатлари белгилаб олинди. Шартномага мувофиқ хусусий корхоналар зиммасига иш жойлари қисқартирилган телефончи аёлларни қонунчиликда белгиланган тартибда доимий иш билан таъминлаш мажбурияти юклатилди.

2007 йил январь ойи якуни бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган хусусий корхоналар барчага намуна бўлишди. Чортоқ туманидаги «Қаюмов Турғунмирза» хусусий корхонасида 3 нафар одам ишлайди. Бу корхонада январь ойида 1039,5 минг сўмлик электрон алоқа хизмати кўрсатилди. Шундан хусусий корхонага тегишли бўлган даромад 311,8 минг сўмни ташкил этди. Битта ходимнинг иш ҳақи ўртача 70 минг сўмга етди. Мингбулоқ туманидаги «Жомашўйтрансалоқасервис» хусусий корхонасида 832,4 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, бу ерда ишлайдиган 3 нафар ходимнинг иш ҳақи ўртача 50 минг сўмни ташкил этди.

Наманганлик алоқачилар томонидан ташкил этилган хусусий корхоналар 2007 йил январь ойида жами 11,4 млн. сўм, битта хусусий корхона эса ўртача 850,0 минг даромад олган.

Филиал таъминот участкаси ҳудудида ташкил этилган «FAUST» аккумулятор батареяларини қайта тиклаш ва таъмирлаш хусусий кичик корхонаси ҳам ижара шартномаси асосида фаолият юритмоқда. Бу хусусий корхона буюртма асосида қишлоқ АТСларининг эскирган станция аккумуляторларини, шунингдек, транспорт участкасидаги автомобиллар аккумуляторларини таъмирлаб, фойдаланишга топширмоқда. Тадбиркорликни телекоммуникация соҳасига жалб этиш борасидаги бу ибратли ишлар натижасида кейинги йилларда қатор иш ўринлари яратилди.

Хуллас, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АК раҳбарияти томонидан доимо қўллаб-қувватланаётган наманганлик алоқачилар телекоммуникация тармоғидаги АТСларни янгилаш, унинг барқарор ишлашини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Қадрият — ўзликни англаш

МАРОСИМЛАР ОДОБИ ВА САВОБИ

ДАБДАБАЛИ САРФ-ХАРАЖАТЛАР БИЛАН ЭМАС, ЧИН ДИЛДАН, САМИМИЯТ ИЛА ҚИЛИНГАН АМАЛЛАР БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Халқнинг халқ бўлиб, миллатнинг миллат бўлиб яна минг йиллар давомида, ўз миллий қиёфасини йўқотмаган ҳолда сақланиб қолишига асосий омиллардан ҳисобланувчи, инсон тириклиги ва охирати билан боғлиқ удумларимизга нисбатан фикр билдиришда етти ўлчабгина эмас, балки етмиш марта мушоҳада қилиб кўриш жоиздир. Бу борада таклиф ва тавсиялар беришда жуда эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Маълумки, маросимлар икки турга бўлинади. Биринчиси: диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган расмий йиғин: юбилейлар, мукофот топшириш маросими, ҳайкалнинг очилиши маросими ва шу кабилар.

Буларнинг ҳар бирида қатнашишнинг ўз одоб-ахлоқи бор. Масалан, диний маросимга сипо кийиниб борилади, дафн маросимига одми, тўй маросимига ясаниб бориш мақсадга мувофиқдир. Дафн маросимларида хандон отилмайди, тўй маросимларида хўмрайиб ўтирилмайди ва ҳоказо.

Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари бор. Ислом динида ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза тутиш, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити ва қурбонлик қилиш, намоз, ҳаж, жаноза, суннат, никоҳ, дафн ва бошқа маросимлар бор. Бу маросимларга қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг ўз ишидир ва ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди.

Маросимлар ҳақида сўз борар экан, Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда имзо чеккан тўйҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ Фармонини ёдга олиб ўтиш зарурдир. Бу Фармон айнан юқорида сўз юритилаётган инсонийлик ва меҳр-мурувват билан боғлиқ тадбирларни қандай тартибда ўтказиш ҳамда меъёр ва ахлоқ-одобга риоя қилиш ҳақидадир. Масалага ана шундай тўғри ва теран ёндошмоқ керак. Чунки тўйлар ва бошқа маросимлар ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар инсониятга тоабад йўлдошдир, уларсиз инсоний турмушни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, улар тириклик гашти, одамгарчилик зийнатидир.

Маълумки, инсон ҳулқи табиатан тузалишдан кўра, бузилишга мойил. Шунинг учун ҳам муттасил равишда одамларни ёмон нарсалардан, шу жумладан, шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлардан қайтариб, меҳр-оқибатли, камтарин, саховатли, ҳалол ва шу каби фазилатлар соҳиби бўлишга чорлаб туриш лозим.

Мазкур Фармон замирида ҳам айнан ана шундай инсонийликка хос фазилатларни қадрлаш, қолаверса, асрлар давомида авлодлардан мерос бўлиб келаётган урф-одатларни сақлаб қолиш ғояси ётади. Фуқароларимиз томонидан мамнуният ила кутиб олинган бу Фармоннинг ижроси узоқ йилларга мўлжаллангандир. Чунки халқимиз мавжуд экан, юртимиз тинч-осуда экан, маҳалла-маҳалла бўлиб яшар эканмиз, турмушимиз фаровонлашиб борар экан, тўйларимиз, оилавий тантаналаримиз, маърака ва маросимларимиз дунёвий ва диний тадбирларимиз мудом давом этаверади. Қолаверса, ижтимоий иллатлардан бир йўла ва дарҳол мусаффо бўлиб олиш мумкин эмас, бунинг устига ижтимоий иллатлар кўҳна ҳам, янги ҳам бўлиши, биридан қутилиб, иккинчисига тутилиш ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ислом Каримовнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 1998 йилда чоп этилган «Инсон бахт учун туғилади» деган китобида шундай ҳикматли сўзлар бор: **«Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил».** Юртбошимизнинг халқимизга нисбатан айтган бу ибораси замирида чуқур маъно ётибди. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик ҳам бўлмайди. Сахийлик бўлмаган ерда ўртадан меҳр-оқибат кўтарилади. Жамоа туйғусидан саховатлилик келиб чиқади. Жамоа туйғусига мойиллик халқимизнинг биринчи фазилати десак, балки янглишмаган бўлармиз, унинг феъл-атвори шундай, зуваласи шундай қорилган. Дарҳақиқат, халқимиз қўли очиқ халқ. Топганини эл-юрт олдига қўйсам дейди. Шундан завқланади, меҳмон чеҳрасидаги табассумдан маънавий роҳатланади. Шу боис халқимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Гар айбласак, ўз-ўзимизни камситган бўламиз. Тўйсеварликни сахийлик, саховатпешалик фазилатларидан бири, деб қарамоқ керак. Тўй қилмаган ёки тўйга бормаган ўзбек топилмаса керак. Биз кимошдига тўй беришларни назарда тутаётганимиз йўқ, албатта. Тўю маъракаларда «мусобақа» эмас, хайр-саховат, меъёр устувор бўлгани маъқул.

Тўйларимиз ўзбекларнинг кимлигини намоён этувчи ўзига хос бир кўрикдир. Тўй ҳам, маърака ҳам, маросим ҳам шахсий иш эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, халқимизнинг миллий қиёфаси, характери (феъл-атвори), ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, дунёқараши, тафаккури, онги, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиғи ана шу тўй-ҳашамларда, оилавий тантаналарда, маърака ва маросимларда яққол намоён бўлади. Буларни ўзбек халқи қандай халқ эканини кўрсатувчи мисоли бир кўзгу дейиш мумкин.

Ҳалолидан топиб бойиган кишилар ўз маблағларини ҳеч қачон бир-икки кунлик тўй-ҳашам ва шу каби иддиҳомларга сарфлаб, елга совурмайдилар. Заҳмат чекмай, нопок йўллар ва ноҳалол усуллар билан бой бўлган кишилар исрофгарчилик қилишлари мумкин. Ҳаромдан топилган мол-мулк, маблағ барибир бир кунмас бир кун суриб кетади. Мўмай пул топганлар уни айланма маблағ сифатида ишга солиб, бирини икки қилиш ўрнига кимўзарга тўй-ҳашамларга, дабдабали маросимларга совуришлари ҳам уларнинг калтабинлигини кўрсатади. Одамда қанча ақл етмаса, шунча мақтанчоқ бўлади.

Меҳмондорчилик бошқа нарса, едириб, ичириб, тўйдириш яна бошқа нарса. Биринчисида ғараз йўқ, иккинчисида ғараз бор, қилинган сарфиёт эвазига таъма кутиш бор, бу ғараздир. Буларни фарқламоқ зарур. Айтилган жойга шундан келиб чиқиб борилса, олам гулистон. Шунда минг кишилик, бир ярим минг кишилик иддиҳомлар бўлмайди, айтилганларнинг чораги ҳам тўпланмаслиги мумкин. Маълумки, таклиф қилувчилар бор, ташриф буюрувчилар ҳам бор. Улар кимлар, нима мақсадда таклиф этади-ю, не ниятда борилади? Ким кимларни таклиф этади-ю, ким кимларникига боришни ўзига эп билмайди? Буларнинг замирида ғараз бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керак. Бу билан айтмоқчимизки, исрофгарчиликларга бош сабабчи таклиф этувчилар бўлса, унинг «ижрочи»лари, яъни ташриф буюрувчилар — исроф қилувчилар ҳам бундай гуноҳга шерикдирлар. Исроф қилувчилар бўлмаса исрофгарчилик ҳам келиб чиқмайди.

Дастурхон ёзилган барча йиғинлар — тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик белгиси. Турмушимиз янада фаровон бўла боргани сайин улар камаймайди, балки кўпаяди. Лекин турли воқеаларга бағишланадиган маросим ва маъракаларни бир-биридан ажратиш, ҳар бирининг ўз одоби бўлишини унутмаслик лозим.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби,
ёзувчи

ФРАКЦИЯ ДЕПУТАТЛАРИ

ЎЗ РАҲБАРИГА ҚАРШИ ЧИҚДИЛАР

Маълумки, Украина Олий Радасидаги «Юлия Тимошенко блоки» фракцияси шу йил 2 июндан фаолиятини тўхтатган. Унинг фаолиятини яна қайтадан бошлаш бўйича бир гуруҳ депутатлар иш олиб бормоқда. Бу ҳақда шу фракция аъзоси Александр Ковтуненко «УНИАН» агентлигига маълум қилди.

Унинг гапларига қараганда, фракциянинг 30 га яқин аъзоси фракция фаолиятини тезда йўлга қўйиш тарафдори. Шунинг учун улар янги раҳбарни сайлаши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Журналистларнинг «фракциянинг Юлия Тимошенкосиз фаолияти қонунга тўғри келадими?» деган саволига Ковтуненко «бу ерда гап, Ю.Тимошенконинг маликалиги-ю қолганларнинг унга тобе — қуллиги ҳақида кетмаяпти. Парламентда блок тенглик асосида тузилган, демак, бу ерда барча тенгдир, шунинг учун ўзимизга янги раҳбар сайлаш ҳуқуқига эгамиз» деган жавобни айтди.

Аввалроқ ушбу фракция депутати Николай Замковенко ҳам фракциянинг 25-30 аъзоси депутатлик мандатидан воз кечиш ҳақидаги аризасини қайтиб олишини билдирганлигини айтган эди. Бироқ «Юлия Тимошенко блоки» раҳбарияти Замковенконинг гапини пучга чиқариб, блокнинг 103 нафар депутати тўлиқ ҳолда депутатлик мақомидан воз кечганлиги ва бу қарордан қайтмаслиги ҳақида баёнот берганди.

«КАТТА САККИЗЛИК»

САММИТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Германиянинг Хайлигендамм шаҳрида «катта саккизлик»ка аъзо давлатларнинг (Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Канада, Япония) саммити давом этмоқда.

«Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, «катта саккизлик»ка аъзо давлатларнинг бошлиқлари саммит якунида қабул қилинадиган баёнотга ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитга «иссиқхона газлари» чиқишини қисқартириш тўғрисидаги матн киритилиши ҳақида келишиб олдилар. Иқлим ўзгаришларига қарши кураш бўйича илгари сурилган ташаббус БМТ эътиборига ҳавола этилиши тўғрисида ҳам қарор қабул қилдилар.

Яна бир гап. ИТАР-ТАСС хабар беришича, Хайлигендамм шаҳридаги «катта саккизлик» саммитига қарши кайфиятдаги антиглобалчиларнинг норозилик намойиши полиция томонидан куч ишлатиб, аниқроғи, «водомёт» ёрдамида тарқатиб юборилди. 800 га яқин антиглобалчи саммит ўтаётган манзил атрофидаги йўлни тўсиб қўйган эдилар. Бир кун аввал ҳам Хинтер Больхаген шаҳарчасида 2 мингдан ортиқ кишининг саммитга қарши норозилик намойиши полиция томонидан тарқатилган эди. Тўқнашув натижасида 16 нафар полициячи турли даражада тан жароҳати олди. 178 нафар намойишчи эса қўлга олинди.

РЎЙХАТ

ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Литва Республикаси маъмурияти мамлакатга ташрифи тақиқланганлар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда Белорусия президенти Александр Лукашенко ҳамда Белорусиянинг юздан ортиқ сиёсат ва давлат арбоблари бор дейилади «Эхо Москвы» радиостанцияси хабарида.

Литва Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, республиканинг бу қарори Европа Иттифоқи санкциясини тасдиқлашдир. Негаки, Литва Европа Иттифоқининг аъзоси сифатида санкция талабларига қўшилади.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йил апрелда А.Лукашенко ва 30 нафар белорус корчалонига нисбатан Европа Иттифоқи санкция жорий этган. Ушбу санкцияга АҚШ ҳам қўшилган. Унга кўра, Лукашенко ва бошқа корчалонларнинг ЕИ ҳамда АҚШга бориши тақиқланган.

Санкция жорий этилишига сабаб Лукашенконинг учинчи бор давлат бошлиқлигига сайланиши бўлди. Ғарб давлатлари сиёсатдонларининг фикрича, сайлов натижалари сохталаштирилган.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ

ТАШРИФИГА НОРОЗИЛИК

20 нафар италиялик фуқаро АҚШ президент Жорж Бушнинг Италияга ташрифига қарши норозилик билдириб, Рим банки бўлимларидан бирини эгаллаб олди. Италия телевидениесидан олинган манбаларга асосланиб, бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Маълумки, Буш «катта саккизлик» саммитидан сўнг Европанинг 7 та мамлакатига саккиз кунлик сафар доирасида Италияга ҳам ташриф буюради.

Қўлларида Бушнинг ташрифига қарши ёзувлар кўтариб олган намойишчилар бир соатдан сўнг банкни тарк этдилар. Уларнинг айтишича, ушбу банк Виченца шаҳридаги Америка базаси молияланишини кенгайтириш гуруҳи томонидан назорат қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Виченца шаҳри аҳолисининг 60 фоизи Америка ҳарбий базаси кенгайтирилишига розилик берган Италия ҳукумати позициясига қарши.

Маълумки, Виченцадаги Америка ҳарбий базаси 1965 йили ташкил этилган. Ҳозирги кунда бу ерда 2,75 минг Америка ҳарбийси хизмат олиб бормоқда. Сильвио Берлускони ҳокимияти даврида Италия билан АҚШ ўртасида базани икки бараварга кенгайтириш бўйича шартнома имзоланган. Ушбу шартномага кўра, Германияда хизмат бурчини ўтаётган 1,8 минг америкалик ҳарбий Виченцага кўчирилиши лозим.

Январь ўрталарида Италия ҳукумати раҳбари Романо Проди мамлакатнинг аввалги ҳукумат даврида Италия — АҚШ ўртасида имзоланган шартнома ўз кучида қолишини билдирган эди. Продининг бу қарори эса кўплаб норозиликларга сабаб бўлмоқда.

ҲУКУМАТ

ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Арманистон президенти Роберт Кочарян республика Конституциясининг 55-моддаси 4-пунктига асосан ҳамда янги сайланган парламент — Миллий йиғиннинг биринчи мажлиси бўлиб ўтганлигини ҳисобга олиб, ҳукумат истеъфосини қабул қилди. Президент фармонига кўра, янги ҳукумат таркиби шакллангунга қадар эски ҳукумат ўз вазифасини бажариб туради.

Бу ҳақда «Новости Армения» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

ҚОЧҚИНЛАР СОНИ

2,2 МИЛЛИОНДАН ОШИБ КЕТДИ

Америка бошчилигидаги иттифоқчи кучлар Ироққа бостириб киргандан бери (2003 йил март) ўз ватани бўлмиш Ироқни ташлаб чиқиб кетганлар сони 2,2 миллион кишидан ортиб кетди, дейилади БМТнинг қочқинлар масалалари бўйича олий комиссарлиги маълумотларида. Ўз юртини тарк этишнинг бундай оммавий тус олиши Яқин Шарқда 1948 йилги араб-исроил урушидан сўнг биринчи бор қайд этилиши.

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳар ойда 50 минг фуқаро мамлакатдан бош олиб чиқиб кетмоқда.

Бағдоддаги Ал-Козимий шиалар туманининг паспорт бўлими бошлиғи Аббос Фаделнинг айтишича, 2003 йил апрелда Ироқнинг собиқ президенти, марҳум Саддам Ҳусайн тахтдан ағдарилгач, кунига 100-150 киши мамлакатдан чиқиб кетган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич кунига 500 кишини ташкил этмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Мисрда 120 мингга яқин, Сурияда эса 1 миллион 400 минг, Иорданияда 750 минг атрофида ироқлик яшамоқда.

Мамлакатдан бош олиб, Сурияга кетишга тайёргарлик кўраётган яна бир қочқин Умм Аҳмаднинг айтишича, Сурияда унинг оиласи учун яшаш оғир кечиши мумкин, бироқ у ерда Ироқдагидек уруш, зўравонлик ва азоб-уқубат йўқ.

Болалар спорти

МЕҲР БОЛАЛИҚДАН БОШЛАНСА

ЁШ АВЛОДДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА АМАЛ ҚИЛИШ, ЖИСМОНИЙ ҲАМДА МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ КЎНИКМАЛАРИ ШАКЛЛАНАДИ

Бу гапларнинг ҳақиқатга нечоғли мос эканлигини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўрса бўлади. Айтиш мумкинки, вилоятда кейинги йилларда бу борада бир қатор ибратли, эътирофга лойиқ ишлар қилиндики, уларнинг самаралари бугун яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар спортининг моддий базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий болалар спорт мажмуалари тармоғини барпо этиш, уларни жаҳон андозаларига мос спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни олайлик. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 3 та янги, замонавий спорт иншоотлари барпо этилди, 2 та спорт иншооти қайта реконструкция қилинди ва 7 та умумтаълим мактабида спорт заллари қурилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 132 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда вилоят худудида 4 та жаҳон андозаларига жавоб берадиган биринчи ва 2 та бешинчи ТИП спорт иншоотлари, 545 та умумтаълим мактабларининг 220 тасида замонавий спорт заллари фаолият кўрсатаяпти. 1 миллиард 163 миллион сўмлик лойиҳа-смета қийматига эга бўлган яна битта бешинчи ТИП болалар спорт иншооти, битта замонавий ёпиқ сув ҳавзаси, ўнта умумтаълим мактаблари қошидаги спорт залларини қуриб, фойдаланишга топшириш эса бу йилги Манзилли Дастурга киритилган. Бугунги кунга келиб вилоятдаги 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида жами 11414 нафар ўғил-қиз 227 нафар малакали мураббий кўмагида спортнинг ўн саккиз тури бўйича шуғулланишмоқда.

Анвар РАФИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали етакчи мутахассиси:

— Бизнинг болалик пайтларимизда бугунгидай спорт иншоотлари қаёқда эди? Очиғи, спорт деганда беш-ўнта бола бир бўлиб, чанги чиқиб ётган майдонда тўп тепишни-ю, оёқ билқиллаган тупроқни кечиб кураш тушишни англаганмиз, холос. Истиқлол туфайли юртимизда спорт, айниқса болалар спорти масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Наргиза ЭРГАШЕВА, Жиззах шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси:

— Ўн беш нафар қизга спортнинг гўзал ва нафис тури — бадиий гимнастика сир-асрорларини ўргатаяпман. Уларнинг орасида иқтидорли, умидлилари анчагина. Биз шуғулланаётган V ТИП спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчами, жиҳозланганлиги миллий ва халқаро тоифадаги мусобақалар ва турнирлар ўтказиш, профессионал спортчиларнинг ўқув машғулотларини олиб бориш имконини берди. Хорижда ишлаб чиқарилган резина қопламалар, дунё стандартларига мос қурилиш-меъморчилик ечимлари, халқаро талаблардан асло қолишмайдиган спорт жиҳозлари, кенг, ёруғ, озода машғулот майдончалари, махсус кийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари... Бири биридан шинам, бири биридан ажойиб.

Абдусаттор ҚОСИМОВ, Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳарчасининг «Абай» маҳалласи фуқароси:

— Ўғлим ўн бир ёшда. Туман халқ таълими бўлимига қарашли I ТИП болалар спорт мажмуасига қатнайди. 42 нафар тенгдоши билан биргаликда мураббий Маннон Молдахонов устозлигида юнон-рум курашидан сабоқ олаяпти. Бу ерда машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятлар, шароитлар яратилганини кўриб қувондим. Бугун машқ қилаётган болалар орасидан эртага мамлакат, Осиё, жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишондим.

Лазиз ЗОКИРОВ, Жиззах туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, бокс бўйича мамлакат ва Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндори:

— Бир нарсани ғурур билан айтишим мумкин: юртимизда спортга бўлган эътиборни ҳар қанча улуғласак арзийди. Қаранг, бугун энг чекка, энг олис қишлоқларимизда жойлашган умумтаълим мактабларида ҳам ажойиб спорт заллари қурилаяпти ва улар замонавий спорт жиҳозлари ҳамда анжомлар билан таъминланаётир. Масалан, ўтган йили Жиззах туманининг олис Қамбар қишлоғидаги 53-, Зомин туманининг тоғлар бағридаги 12-, Бахмал туманининг Музбел қишлоғидаги 31-, Галлаорол туманининг Обуз қишлоғидаги 28, Фориш туманига қарашли қирадирлар қўйнидаги 19-умумтаълим мактаблари қошида янги, замонавий спорт заллари барпо этилганининг ўзиёқ болалар спортига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Шуҳрат МАМАЖОНОВ, Дўстлик туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчиси:

— Спорт жону дилим. Бокс билан астойдил шуғулланаяпман. Руслан Чагаевдай машҳур «чарм қўлқоп» устаси бўлишни, юртимизнинг довруғини дунёга достон қилишни хоҳлайман. Ҳозирча ўсмирлар ўртасидаги вилоят ҳамда республика мусобақаларида иштирок этиб, яхши натижаларга эришаяпман.

***

Айтилгану ёзилганлар орқали вилоятда болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш бўйича қилинаётган барча ишлар жойида-ю, муаммолар мутлақо йўқ экан-да, деган фикрни, хулосани илгари суриш ниятидан йироқмиз. Ҳар қандай юмушда бўлгани каби бу йўналишдаги ишларда ҳам ўзига хос камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги табиий. Лекин Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали жамоаси, мутасаддилар томонидан спортга ҳавасмандлару хайрихоҳлар кўмагида камчиликларга барҳам бериш, ўз кучлари ҳамда имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муаммоларнинг ечимларини топишга ҳаракат бўлаётирки, бунинг самаралари ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, болалар спорти бўйича мураббийлар, айниқса, хотин-қиз мураббийларнинг етишмаслиги муаммосини олиб қарайлик. Мазкур муаммонинг ечимини топиш учун филиал ташаббуси билан ҳар қайси тумандан 2-3 нафардан спорт-педагоглари танлаб олиниб, мураббийлик бўйича ўқув семинарлари ташкил қилинди ва қисқа муддатда 26 нафар болалар спорти бўйича мураббийлар тайёрланди. Шуниси эътиборга лойиқки, тайёргарлик курсини ўтаган мураббийларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Бошқа бир масала — чекка қишлоқлардаги умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларининг савияси ҳақида. Бу масала ўрганиб кўрилганда мутахассисларнинг камлиги маълум бўлиб қолди. Шунда вилоятда қисқа ўқув курслари ташкил қилиниб яна ўнлаб мураббийлар тайёрлашга эҳтиёж сезилди ва бу муаммо ҳам асосан жамғарма кучи ҳамда саъй-ҳаракати орқали ўз ечимини топаяпти. Бугун чекка қишлоқлардаги умумтаълим мактабларида ҳам малакали спорт-педагоглари, мураббий кадрлар фаолият кўрсатаётганлигини ҳисобга олсак, қайсидир маънода бу ҳам жойларда болалар спортининг оммавийлашиб боришига хизмат қилаётганини сезиш қийин эмас.

Энг муҳими, болалар спорти орқали бугунги авлодда спортга меҳр кучайтирилмоқда, фарзандларимиз соғлом бўлиб вояга етаётир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимиз истиқлолини тараннум этадиган янги қўшиқ ва мусиқий асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»

мавзусида энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар Республика танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич 2007 йил 20 июндан 5 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади;

II босқич 6 июлдан 20 июлгача Қорақалпоғистон республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади;

III босқич 25-31 июль кунлари Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда ёши, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси бўлган профессионал, ҳаваскор ижрочилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Республика танлови ғолиблари уч йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 1 миллион сўмдан) — 3 000 000

Иккинчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 800 минг сўмдан) — 2 400 000

Учинчи ўрин учун (учта, ҳар бир ғолибга 600 минг сўмдан) — 1 800 000

Рағбатлантирувчи мукофотлар (йигирма битта, 400 минг сўмдан) — 8 400 000

Мурожаат учун манзил: ***Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси. Тел.: 139-43-73, 139-43-50.***

КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Яқинда Тошкент вилояти Келес шаҳарчасидаги стадионда «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тошкент тумани ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда ота-оналари таклиф этилди.

Туман ҳокими Сайфулла Темиров тадбирни очаркан, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси йўлида, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди. Шундан сўнг ўқиш ва жамоат ишларида фаол бўлаётган ёшларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Эл севган хонандалар иштирокидаги концерт дастури эса тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Муяссар ЙЎЛДОШЕВА

Суратларда: хайрия тадбиридан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Тадбир

ИҚТИДОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бугун мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Буни Учқўрғондаги 20-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати мисолида ҳам кўриш мумкин. Мактаб директори Икромжон Абдурасуловнинг таъкидлашича, бу ерда таълим олаётган ёшлар нафақат фан олимпиадалари, балки вилоят ва республика миқёсида уюштирилаётган спорт мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Яқинда мазкур таълим масканида Тошкент давлат авиация институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори Мурод Икромов ҳамда оғир атлетика бўйича жаҳон рекордчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар устози Эркин Каримов билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб ТошДАИ ҳаётидан лавҳаларни ўзида акс эттирган ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Сўнгра институт ректори таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ҳақида ёшларга сўзлаб берди.

(Ўз мухбиримиз)

Интер-спорт

ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИ РАМЗИ

Хабарингиз бор, 2012 йили бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига Лондон (Англия) шаҳри мезбонлик қилади. Sky News нашрининг хабар қилишича, мазкур Олимпия ўйинлари расмий рамзлари тақдимоти бўлиб ўтди. Янги рамз кўриниши кўп бурчакли беш қисмдан иборат бўлиб, у олимпиада уюштириладиган йилни «2», «0», «1», «2» рақамлари орқали акс эттирган. Рамзнинг бир қисмидан «London» жумласи жой олган бўлса, яна бири беш хил рангда Олимпия ўйинлари халқаларини ўзида ифодалаб берган. Кўк, яшил, сариқ ва оловранглардан ташкил топган мазкур рамзни яратиш учун роппа-роса бир йил вақт сарфланди.

ҒАЛЛАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

«01» огоҳлантиради

Ғалла ҳосилини нест-нобудсиз йиғиштириб олиш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Ўз-ўзидан бу мавсум Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, ғалла — ризқ-рўзимиз. Шундай экан, уни ҳар қандай офатдан сақлашимиз керак.

Бунинг учун барча хизматлар ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Махсус кўрикдан ўтказилмаган комбайн, трактор ва бошқа ёрдамчи техникалардаги носозликлар кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Ғалла маҳсулотларини қабул қилиш, қуритиш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаётган мутахассислар ҳам жойлардаги техникаларнинг созлигини, ғалла маҳсулотларининг сақланишини назорат қилиб боришлари зарур.

Ғалла экилган майдонларнинг эгаларига ҳам катта масъулият юкланади. Чунки улар ёнғин хавфсизлиги талабларини тўлиқ бажаришлари, ғалла майдонларини назорат қилишлари керак.

Айрим фуқароларимиз орасида нотўғри тушунча ҳам борки, «ғалласи ўрилган майдонни ёқиб юборсак, ерга фойда бўлади», дейишади. Аммо улар ўрилган майдоннинг ёқиб юборилиши атрофдаги ўрилмаган майдонларга ҳам хавф туғдириши, экологияга катта зарар келтиришини чуқур ўйлаб кўрмайдилар. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрича, ер ёқиб юборилганда она заминга жуда катта зиён етади. Тупроқ унумдорлиги пасаяди. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўтган йиллар давомида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бевосита ғалла майдонларининг ўзида ҳаракатланаётган техникалар, транспорт воситаларидан чиққан учқун туфайли ҳам ёнғин содир бўлиши мумкин. Бунинг учун мавсумга жалб этилган барча техникаларнинг учқун ўчиргичлари созлиги текшириб кўрилгандан кейингина далага киришга рухсат бериш ва мавсум давомида уларнинг соз ишлашини назорат қилиб бориш керак. Ўримга жалб этилмаган қишлоқ хўжалиги техникалари, фуқароларнинг шахсий енгил автоуловларини далага киритиш қатъиян ман этилади.

Назоратсиз қолган ёш болаларнинг олов ёки гугурт ўйнашлари оқибатида ёнғин юзага келади. Бунинг учун ёш болаларнинг ғаллазорлар атрофида мол боқишларига, ўйнашларига ва мавсум давомида далага киришларига йўл қўйилмаслиги керак.

Ғалла ўрими пайтида комбайн айланма механизмларининг қизиб кетиши, уларга сомонларнинг ўралиб қолиши ҳам ёнғинга сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бунинг учун комбайн ҳайдовчилари ўз техникаларининг ҳолатини доимий назоратда ушлашлари, вақти-вақти билан техникаларни тўхтатиб, ўралиб қолган хас-хашаклардан тозалаб туришлари шарт. Бундан ташқари, ҳар бир техника бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланиши шарт.

Дон сақлаш омборлари ва хирмонларда ёнғин хавфи асосан электр таъминотидаги носозликлар, нуқсонли ғалла юклаш-тушириш механизмларини ишлатиш, хирмон ҳудудида одамларнинг сигарета чекиш ва очиқ оловдан фойдаланганларида келиб чиқиши мумкин.

Бунинг учун мавжуд ёнғин ўчириш техникаларининг доимий жанговарлиги таъминланиши, мавсум олдидан барча техникаларнинг созлиги текширилиб, ишчи-хизматчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишлари лозим.

Машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил — ғалламизни нестнобуд қилмай йиғиштириб олишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилайлик.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

Кўчмас мулк бозорида брокерлик фаолиятини юритаётган барча брокерлик идоралари

ДИҚҚАТИГА!

Республикамизда тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликка кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда имтиёзлардан келиб чиққан ҳолда, юртимиз тадбиркорлари ва хорижий инвесторларнинг биржа савдоларида иштирок этишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида РКМБ Бошқарувининг 2007 йил 7 июндаги Қарорига асосан 2007 йилнинг 11 июнь кунидан эътиборан республика Кўчмас мулк биржаси тизимида биржа савдолари натижасида тузиладиган битимлар бўйича брокерлардан РКМБ фойдасига тўланадиган комиссион тўловларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудуди бўйича белгиланган миқдорлари 65 фоизгача камайтирилганлигини маълум қиламиз.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармон жаноблар ўз имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қаҳрамон Абдукаримовга отаси

Назаркул АБДУКАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

1 — 549
11250 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda